

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ЗАРИПОВА ДИЛНОЗА АНВАРОВНА

**ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КАСБ
ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ ИННОВАЦИОН
ҲАМДА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Зарипова Дилноза Анваровна

Таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини
инновацион фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш 3

Зарипова Дилноза Анваровна

Совершенство системы подготовки студентов направления профессионального
образования к инновационной деятельности в условиях информатизации
образования..... 23

Zaripova Dilnoza Anvarovna

Improving the system of preparing students for innovation activity in the field of
vocational education in the context of informatization of education..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ЗАРИПОВА ДИЛНОЗА АНВАРОВНА

**ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КАСБ
ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ ИННОВАЦИОН
ҲАМДА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.Phd/Ped856 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.iigro.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Закирова Феруза Махмудовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Уразова Марина Батировна
педагогика фанлари доктори, доцент

Тўрақулов Олим Холбўтаевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети


Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped/P.48.01 Илмий кенгашнинг 2020 йил 30 11 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871)246-92-17; факс: (99871)246-92-17; E-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz, devonxona@iigro.uz)


Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27 рақами билан рўйхатга олинган).


(Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871) 246-92-17; факс: (99871)246-92-17).

Диссертация автореферати 2020 йил "18" ноябрь куни тарқатилди
(2020 йил "18" ноябрь даги 8 рақамли реестр баённомаси).




Ш.Э.Қурбонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор


С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., профессор


Қ.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида инсоният глобаллаштириш ва ахборотлаштириш деб аталувчи умумтарихий жараёнга қадам қўйган. Ахборот технологияларининг илм-фан, таълим, ишлаб чиқариш сохаларига кириб бориши ҳар бир фуқаро учун маълумот манбааларига кенг йўл очиб, уларга хизмат кўрсатишнинг юқори даражасини талаб қилади. Рақамли технологияларнинг таълим тизимига кириб келиши янги мулоқот муҳитини яратиб бераётганлиги ЮНЕСКО¹ ташкилоти томонидан эътироф этилган бўлиб, бу жараёнда ўқитувчидан нафақат рақамли технологиялар билан ишлаш малакаси, "Simple abilities" - маълумот қидириш ва ахборотларни яхлит идрок этиш, ахборотлар моҳиятини ижобий ва танқидий тарзда баҳолаш, жамоавий ишлаш ҳамда ижодий, мантиқий фикрлаш каби қобилиятларни эгаллаш талаб этилади. Жамиятни ахборотлаштириш билан боғлиқ жараёнлар фақат илм-фан, инсон фаолиятининг барча турларини интеллектуал ривожланишини жадаллаштирибгина қолмай, балки инсон ижодий потенциалини ривожлантирувчи янги ахборот манбааларини яратди. Ҳозирги замон ахборотлаштириш жараёнининг етакчи йўналишларидан бири-таълимни ахборотлаштиришдир.

Дунёда таълимни ахборотлаштириш жараёнида касб таълими педагог кадрларини инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш педагогика фанида олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида олий таълим муассасаларидаги касб таълими йўналиши талабаларининг ўқув-услубий фаолият мазмунини такомиллаштириш, ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари, замонвий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш заруратини келтириб чиқаради. Шунингдек, инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари ҳузурида илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнини ахборотлаштиришга, талабаларни инновацион фаолиятга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, "...узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим

¹ Ministerial forum global dialogue on ict and education innovation – towards sustainable development goal for education (sdg 4) proceedings. 18–19 april 2018 • Moscow • Russian federation. <http://ru.ite.unesco.org/publications>.

хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”² масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, касбий таълим педагогларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шароитларини такомиллаштириш, жамиятнинг ривожланиш даражасига мувофиқ инновацион фаолиятга йўналтириш, инновацион ишлаб чиқариш учун мутахассисларни тайёрлаш билан бевосита боғлиқ бўлган кўплаб муҳим жиҳатлари ҳал этилмасдан қолмоқда. Инновацион ишлаб чиқариш соҳасига етук мутахассисларни тайёрловчи педагогларни касбий тайёргарлигини электрон жамият талаблари асосида такомиллаштириш бунда, инновацион таълим, метод, восита ва технологияларини самарали қўллаш эҳтиёжи юзага келган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар олий таълим тизимини ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларининг инновацион фаолиятга тайёргарлигини касбий-педагогик компетентлик янги мезони сифатида қараш, ҳамда бундай тайёргарликни кафолатловчи методик тизимни ишлаб чиқиш муаммоси долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонига мувофиқ Вазирликка юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида консултантлар сифатида давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, фан-таълим муассасалари, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етакчи халқаро ва хорижий компаниялар мутахассисларини жалб этиш; 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5099-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий–ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – №6 (766) – 70-модда, - Т.: Адолат 2017. –Б. 38.

шакллантириш” усутувор йўналишлари доирасида бажарилади.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш, инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш масалалари: А.А.Абдуқодиров, Н.Н.Азизхўжаева, У.Ш.Бегимқулов, Н.Т. Жуманиёзова³, Б.Зиёмухаммедов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Н.Н.Каримова, Н.А.Муслимов, Н.Сайидахмедов, М.Б.Уразова, Ш.Э.Қурбонов, О.А.Қўйсинов, А.Р.Ходжабаев, Д.О.Химматалиев, Ж.А.Ҳамидов, Д.И.Юнусова ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

МДХ мамлакатлари олимлари К.Ангеловски, В.В.Гузеев, Э.Ф. Зеер, К.К.Колин, Н.Д.Машлыкина⁴, С.Д.Поляков, В.А.Сластенин ва бошқалар инновация, инновацион таълим, инновацион фаолият, инновацион жараёнлар муаммоси ва С.Ф.Артюх, Н.М.Жукова, В.И.Кондрух, М.П. Лапчик, С.М.Маркова, А.Л.Наин ва бошқалар касбий таълим педагогларини тайёрлашнинг дидактик асослари очиб берилиб, махсус тадқиқотлар олиб борилган.

Р. Berk, W.O. Devlin, Y.Masuda, J. Paul, T. Doran ва бошқа хорижий мамлакатлар олимларининг тадқиқотларида таълимда ахборотлаштириш мухити, педагогларнинг касбий инновацион фаолиятини ривожлантириш, инновацион педагогик ва технологик компетентликни ривожлантириш назарияси ва амалий йўналишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бўлажак умумтаълим ўқитувчисининг инновацион фаолиятга тайёргарлигини шакллантириш бўйича Г.Т.Мусабекова, малака ошириш курсларида тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича М.Т.Жуманиёзова, гуманитар олий таълим муассасасида инновацион таълим мухитини шакллантириш бўйича В.П.Делия ишлари бағишланган. Тадқиқот муаммосига доир адабиётларни ўрганиш, таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларининг инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммоси алоҳида илмий тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг АБ_Атех-20182737 “Ўзбекистонда замонавий АКТларни тадбиқ этиш муаммолари ва унда ахборотлашган иқтисодиётнинг ўрни” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш тизимини

³ Н.Т.Жуманиёзова. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асослари. п.ф.н., дисс. автореферат.Т.:2007. – 22 б.

⁴ Н.Д. Машлыкина Формирование готовности к инновационной научно-педагогической деятельности будущего педагога профессионального обучения. Автореф. Дисс. ... канд. пед. наук. – Волгоград.: 2009. – 25 с.

такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнларини таҳлил этиш;

олий таълим муассасаси ахборот таълим муҳитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга босқичма-босқич тайёрлаш жараёнини лойиҳалаштириш;

таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими педагогининг инновацион касбий фаолиятини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш;

олий таълим муассасалари касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш усул ва воситаларини такомиллаштириш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда самарадорлигини тажриба-синов ишларида текшириш.

Тадқиқотнинг объекти техника олий таълим муассасалари касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида касб таълимининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаштиришга имкон берувчи илмий-манбаларни таҳлил этиш, ДТС, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни танқидий ва қиёсий ўрганиш, суҳбат, кузатиш, педагогик тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш мазмуни инновацион-мослашув, инновацион-фойдаланувчи, инновацион-тадқиқот ва инновацион-лойиҳалаш босқичларини аниқлаш орқали такомиллаштирилган;

олий таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёргарлигини баҳолаш жараёни инновацион-педагогик-билимлар, инновацион-технологик кўникмалар ва инновацион касбий компетентлик мезонларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

олий таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш усуллари SMART, SMART портфолио, “Chalk and talk” усулларини татбиқ этиш орқали такомиллаштирилган;

таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш воситалари “Тармоқли бумеранг” технологияси ва ундан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“5111000 - Касб таълими (йўналишлар бўйича)” ва “5350400 – Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” йўналишлари ўқув режасидаги умумкасбий ва ихтисослик фанларидан ўқув дастурлари, ўқув-методик таъминоти, жумладан “Таълим технологиялари” фани бўйича ўқув қўлланма, “Таълим технологиялари” фанидан лаборатория машғулотларини ўтказиш бўйича услубий қўлланма, “Таълимда ахборот технологиялари” фани бўйича ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқилган;

таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришга қаратилган PHP Laravel framework, Javascript дастурлари асосида “Тармоқли бумеранг” технологияси бўйича электрон таълим ресурслари яратилган;

таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришга қаратилган SMART усули, SMART портфолио, “Chalk and talk”, “Тармоқли бумеранг” технологияси ва унинг мобил версиясидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини маълумотларларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги, тизимли таҳлил усуллари, натижаларининг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасасини ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятини ривожлантириш мазмуни, инновацион-мослашув, инновацион-фойдаланувчи, инновацион-тадқиқот ва инновацион-лойихавий босқичлари, SMART усул, SMART портфолио ҳамда Тармоқли бумеранг ўқитиш технологиялари асосида такомиллаштирилиб, ўқитиш усул ва воситаларини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олий таълим муассасалари касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари, “Таълим технологиялари” номли ўқув қўлланма, “Тармоқли бумеранг технологияси” ҳамда SMART усули ва SMART портфолио асосида яратилган ўқув - услубий таъминотини ҳамда ўқитиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Олий таълим муассасаларини ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар ва ишлаб чиқилган

таклифлар асосида:

олий таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлашда умумқасбий ва махсус фанларини “Тармоқли бумеранг технологияси” ҳамда SMART усули асосида ўқитиш методикаси “Таълим технологиялари” ўқув қўлланмасида (№133-108, 2019) ўз ифодасини топган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-87-сонли маълумотномаси). Натижада касб таълими соҳасига рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимининг самарадорлиги ошган;

касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг инновацион-мослашув, инновацион-фойдаланувчи, инновацион-тадқиқот ва инновацион-лойиҳалаш босқичлари ҳамда баҳолаш мезонлари “5350400 – Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-87-сонли маълумотномаси). Натижада талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлаш тизими такомиллаштирилиб, таълим сифати ошган;

олий таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлашда SMART, SMART-портфолио, “Chalk and talk” усулларини қўллашга доир ишланмалардан “АБ_Атех-20182737 - Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш муаммолари ва унда ахборотлашган иктисодиёт ўрни” лойиҳаси доирасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 33-8/3489-сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак касб таълими мутахассисларининг инновацион компетентлик даражаси ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 2 та муаллифлик гувоҳномалари, педагогика йўналиши бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (5 та республика ва 5 та хорижий журналда) чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган; тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти, предмети шакллантирилган; илмий янгилиги баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган; назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида педагогнинг инновацион фаолияти ва унинг мазмуни, таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими педагогининг инновацион фаолияти, SMART таълим тушунчаси ҳамда касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёни таҳлили ёритилган.

Жаҳон миқёсида педагог кадрларнинг инновацион салоҳияти ва фаолиятини такомиллаштириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Олий таълим муассасаларида таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларни касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, раҳбар ва педагог кадрларнинг инновацион фаолиятга йўналтириш, ўқув жараёнида инновацион таълим муҳитини ва электрон ахборот таълим муҳитини уйғунлаштириш орқали таълим сифатини ошириш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва меҳнат бозорига рақобатбардош кадрлар тайёрлаш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди. Бу эса ўз навбатида олий таълим муассасаларидаги инновацион фаолият мазмунини такомиллаштириш асосида ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш заруратини кўрсатиб беради.

Инновацион фаолият жаҳон ҳамжамиятини инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларига, шу жумладан таълимга сезиларли даражада таъсир этган ҳолда, ривожланишнинг янги ҳамда юқори босқичларга олиб келди.

Диссертацияда В.М.Полонский, И.Шумпетер, Д.В.Чернилевский, К.Ангеловски ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишларида инновацияга оид таърифлар таҳлил қилиниб, инновацияни янгилик, янги моделлар, янгиланиш жараёни деб эътироф этилган. Р.Н.Юсуфбекова ва Н.Н.Жуманиёзовалар “Инновацияларни яратиш, тадбиқ этиш ва жорий этиш жараёни яхлит инновацион жараённи ташкил этади” деб фикр билдирганлар.

Юқоридаги олимларнинг таърифлардан келиб чиқиб, инновацион фаолият - ўқитиш тизимини ёки уни компонентларини инновация киритиш орқали такомиллаштириш фаолияти эканлиги аниқланди.

Ҳозирги ривожланиб бораётган ахборий жамиятда педагогик олимларнинг тадқиқотларида ҳозирги замон ахборотлашган жамиятининг асосий тавсифлари асослаб берилган. Жумладан, Э.Тоффлер ахборотлашган жамиятга хос бўлган қирралар сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча қирраларидаги инновацияларнинг юқори даражаси ва ортикча ахборотларнинг киши маданиятига таъсири деб эътироф этади.

Шундай қилиб, ахборотлашган жамият – бу барча турдаги ахборот технологияларини, компьютерли телекоммуникацияларни, ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш асосида фуқароларнинг ҳуқуқларни рўёбга чиқариш ва уларнинг ахборотларга эҳтиёжларини қондириш учун оптимал шарт-шароитларни яратишнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам илмий - техник хусусиятдаги жараёнидир.

Сўнги ўн йилликларнинг технологик инновациялари шу ҳақида гувоҳлик берадики, XXI асрда ахборотлашган жамиятнинг ўз ривожланишида сифат жиҳатидан янги босқичга ўтди. Шунга кўра, 2010 йилда Сеулдаги “Катта йигирмалик” Саммитида ахборотлашган жамиятнинг янги босқичи - SMART-таълим босқичи кўрсатиб ўтилган. В.П.Тихомиров SMART таълим жамиятда яшаётган инсон бутун ҳаёти давомида ўқийди, ўрганади, инновацияларни яратади, ижтимоий муаммоларни ечиш йўллариини излаб топади деб таърифлаган. SMART-таълим (SMART-education) – “бу эркин фойдаланиш мумкин бўлган, бутун дунёдаги контентлар ёрдамида интерфаол ўқитиш муҳитида мослашувчан таълим олишдир”.

Таълимнинг ахборотлашуви шароитларида бу тизимда рўй бераётган глобал ўзгаришларнинг таҳлили куйидаги камчиликларни ажратиб кўрсатди:

- ахборотлашган жамиятнинг ўзгариб бораётган мақсадли йўриқлари билан уларнинг таълим муҳитида мос ҳолда акс этиши орасидаги қарама-қаршилиқ;

- педагогларга қўйилаётган талабларнинг ўзгариб бориши билан улар томонидан таълим жараёнидаги ўз вазифаларининг англаниши, ўзларида замонавий ахборотлашган жамият талаб қилаётган сифатларни шакллантиришга интилиш орасидаги қарама-қаршиликлар.

Диссертация юзасидан тадқиқотни олиб бориш жараёнида “5350400- Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” ва “5111000 - Касб таълими (йўналишлар бўйича)” таълим йўналишларининг давлат таълим стандарти, ўқув режа ва дастурлари таҳлил қилинмаганлиги таълимда инновацион фаолиятни ривожлантиришда айрим муаммолар аниқланди:

Аниқланган камчиликларнинг мавжудлиги касб таълими йўналиши талабаларининг инновацион фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш долзарблигини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши

талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш методикаси, SMART усули асосида ўқитиш ҳамда “Тармоқли бумеранг” технологияси дастури ва ундан фойдаланиш методикалари келтирилган.

Тадқиқот ишида, олий таълим муассасаси ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлашни педагогик тизим сифатида қараб чиқилган. Тадқиқот ишимизда, И.В.Павловнинг педагогик тизим мураккаб структурага эга деган таълим таърифини қабул қилиб, қуйидаги компонентларини қараб чиқилган:

- 1) мақсад ва вазифалар;
- 2) ахборотлаштириш шароитида инновацион фаолиятга тайёрлаш босқичлари;
- 3) инновацион фаолиятга тайёрлаш мазмуни;
- 4) инновацион фаолиятга тайёрлаш шакл, усул ва воситалар;
- 5) натижавий–баҳолаш компоненти.

Таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш тизимида белгиланган вазифаларни амалга оширишда бўлажак ўқитувчининг инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнига тизимли-яхлит ёндашув доирасида тараққиётнинг эришилган даражасидаги шартларига жавоб бера оладиган ва уни ривожлантириш вазифасини таъминлай оладиган инноватор ўқитувчини шакллантира оладиган битирувчи тайёрлайди.

Тадқиқотимиз жараёнида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга йўналтириш асосида инновацион-мослашув, инновацион-фойдаланувчи, инновацион-тадқиқот ва инновацион- лойихавий босқичлари ажратилган.

Биринчи босқичи ўқув йилининг 1 ва 2-семестрларини ўз ичига олиб, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математик ва табиий-илмий, шунингдек, “Касбий педагогик фаолиятга кириш” ва “Касбий педагогика” фанларни ўзлаштиришда инновацион фаолиятнинг мазмуни, хусусиятлари билан танишади.

Иккинчи босқич 3-4-5 семестрларда давом этиб, инновацион – фойдаланувчи деб номланади. Ушбу босқичда “Таълим технологиялари” ва “Таълимда ахборот технологиялари” фанлари асосида инновацион ахборот-маълумот манбаларини кузатиб бориш ва инновацияларни излаб топиш; замонавий электрон таълим технологияларидан фойдаланиш билим, кўникма ва компетенциялари шаклланади.

Учинчи босқич 6-7 семестрда давом этиб, инновацион – тадқиқот босқичи деб номланади. Мазкур босқич инновацион фаолиятга тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Бунда талабаларда “Касбий таълим методикаси” фани билан биргаликда мутахассислик фанларини, курс ишлари юзасидан интеграцияси шаклланиб, инновацион - тадқиқот фаолияти бошланади. Ушбу босқичда талаба ўқув-тадқиқот ва лойиҳалаш ишларида фаол қатнашиши кераклигини, ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва инновацион

фаолиятга тайёр бўлиш орқали рақобатбардош кадр бўлиб етишиб чиқишини англаб етадилар.

Тўртинчи босқич 8 семестрда амалга оширилиб, инновацион-лойихавий деб номланади. Бу босқичда талабалар мустақил ишлаш фаолиятлари кўпроқ ташкил этилади. Ушбу босқичда “Таълим тизимини бошқариш”, “Таълимда лойиха фаолиятини бошқариш” фанлари билан биргаликда битирув малакавий ишларини тайёрлаш ва битирув олди амалиёти амалга оширилади.


Юқорида келтирилган талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг иккинчи ва учинчи босқичларида тажриба жараёнида амалий, семинар, лаборатория машғулотларида SMART усулини қўллаш самарали натижа берди. Чунки, ушбу босқичларда талабалар аниқ мақсад қўйишни ва кутилган натижага эриша олишлари мумкинлигини ўрганадилар.

Диссертациянинг иккинчи бобида “Касб таълими ўқитувчисини инновацион фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари” мавзусига қўлланилган SMART усулини қўллашни технологик харитаси ва ишланмаси келтирилган. SMART усули курс ишларини бажаришда, битирув малакавий ишларини тайёрлашда ижобий натижа беради. Бу эса, талабаларга қўйилган мақсадни ўлчови, долзарблиги ва мақсадни қандай амалга ошириш йўллари олдидан аниқлаши ва қандай вақт оралиғида натижага эришишлари мумкинлигини ўргатади.

Тадқиқот давомида шундай хулосага келиндикки, талабаларни инновацион фаолиятини ривожлантиришда SMART-портфолиодан фойдаланиш ҳам самарали эканлиги аниқланди. SMART-портфолио талабаларнинг ўқув фаолияти, шунингдек очиқлиги шартида бўлган талабаларнинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга молик ютуқлари ва ўқув амалиётида амалга оширилиши лозим бўлган мавжуд ишланмалари мажмуасидир. Шунга кўра, талаба ўқув жараёнида яратган лойихаси, курс ишлари ва мустақил ишларини SMART-портфолиога жойлаштиради ва ундан нафақат гуруҳ талабалари балки, университетдаги барча талабалар бир-бирлани ишларини кўра олишлари ва ўзаро тажриба алмашишлари мумкин. Ҳамда, талабаларга муваффақиятли тажриба алмашиш ва мустақил таълим жараёнини такомиллаштиришда, уларнинг фаолиятини акс эттиришда ёрдам беради.

Тадқиқот давомида касб таълими талабаларни инновацион фаолиятга тайёргарликларини баҳолашда инновацион-педагогик билимлар, инновацион-технологик кўникмалар ва инновацион-касбий компетентлик мезонларин орқали паст, ўрта ва юқори даражаларда аниқланган.

Жадвалда талабаларни инновацион фаолиятга тайёргарлик мезонлари бўйича ривожланганлик даражаси паст, ўрта ва юқори даражаларда келтирилган (1-жадвал).



1-расм. Таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш

Касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёргарлигини баҳолаш мезонлари ва даражалари кўрсаткичлари

| Мезон / Даража | Паст | Ўрта | Юқори |
|-----------------------------------|---|--|---|
| Инновацион-педагогик билимлар | -инновация ва новация тушунчаси ҳақида тасаввурга эга; -инновацион фаолият тушунчаси, инновацион жараён ва босқичлари ҳақида тасаввурга эга. | -инновация ва новация тушунчаларини тушуна билади; -инновацион фаолият ва инновацион жараён унинг босқичлари ҳақида тушуна билади; | -инновация ва новация тушунчаларини фарқлай олади; инновацион фаолият, инновацион жараён ва унинг босқичларини тўғри ифодалаб, инновацион ўқув тадқиқотлари ва лойиҳаларини бажара олади. |
| Инновацион -технологик кўникмалар | - инновацион таълим технологиялар ҳақида тасаввурга эга. | -инновацион таълим технологияларини билади ва тушунтира олади; -айрим инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш кўникмасига эга. | - инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш компетенциясига эга бўлади ва тўлиқ фойдалана олади; инновацион таълим технологиялари асосида ўқув тадқиқотларни ва лойиҳаларни бажара олади. |
| Инновацион касбий компетентлик | - ўз касби бўйича инновацион таълим технологияларга мисол келтира олади; | ўз касби бўйича инновацион таълим технологиялардан фойдаланади. | ўз касби бўйича инновацион таълим технологияларни мақсадли қўллай олади, тадқиқот ва лойиҳаларни ишлаб чиқа олади. |


Диссертация ишида “Касб таълимида ўқитувчининг инновацион фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари”, “Таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчининг инновацион фаолияти, унинг мазмуни ва аҳамияти”, “Инновацион таълим технологиялари” мавзулар бўйича назарий машғулот, “Таълимни ахборотлаштириш ва унинг инновацион хусусиятлари”, “SMART таълим технологиялари”, “Касб таълимни бошқарув

жараёнида инновацион технологиялар” мавзуларидан амалий машғулот, “Аралаш таълим технологиялари”, “Замонавий АКТ асосида модулли таълим технологиясини жорий этиш” мавзуларидан лаборатория машғулотларини SMART усули, SMART portfolio, Тармоқли бумеранг технологияси ва интерактив усуллар (олтита шляпа, нилуфар гули ва бошқа) асосида ўқитишнинг машғулот ишланмалари келтирилган.

Тадқиқот олиб бориш жараёнида биз томонимиздан, “Таълим технологиялари” фанини ўқитишда “Тармоқли бумеранг” технологияси веб иловаси яратилди. Ушбу “Тармоқли бумеранг” технологиясидан ҳар бир педагог машғулот давомида фойдаланиши мумкин. “Тармоқли бумеранг” технологиясидан фойдаланиш учун профессор-ўқитувчи фан юзасидан топшириқларни тизимга юклаши, машғулот давомида компьютердан фойдаланиш имкони бўлмаган ҳолатларда эса, мобил телефонлар орқали ҳам топшириқларни бажаришга имконият яратади

“Тармоқли бумеранг” технологияси машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, танқидий ва эркин фикрлаш, ғояларни ёзма ва оғзаки шакллларда баён қилиш, турли мазмун ва характерига (муаммоли, мунозарали) эга бўлган мавзуларни ўрганиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган.

BoomerangStudy.uz электрон манзилдан ҳар бир талаба логин, электрон почта ёрдамида махфий рақамга эга бўладилар. Профессор-ўқитувчи админ панелида изоҳлар, савол-жавоблар асосида “Тармоқли бумеранг” гуруҳларини шакллантиради. Ўқитувчи талабалар учун топшириқларни жойлаштиради. Топшириқлар расм ёки матн кўринишда бўлиши мумкин. Топшириқлар генерация қилинади ва шартли равишда талабалар кичик гуруҳларга ажратилади.



2-расм. “Тармоқли бумеранг” технологиясида жавобларни топганлигини маълум қилувчи ойнача.

Талабалар саволларга жавоб топганларидан сўнг, чат орқали ўқитувчига жавобларини маълум қиладилар. Агар вақтдан кечиктирилмасдан жавоб жўнатилса, унинг жавоби қабул қилинади. Талабаларни баҳолашда берилган топшириқни қай даражада бажарилганлигига қараб рейтинг тизими орқали баҳоланади. Ўқитувчи баҳолаш мезонлари ва рейтинг баҳолаш тартиби билан талабаларни таништириб ўтади. “Тармоқли бумеранг” технологияси талабаларни ахборотлаштириш муҳитида мустақил вазифаларни бажаришда, инновацион фаолиятини ривожлантиришда ва талабаларни билимини баҳолашда шаффофликни таъминлайди.

“Таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича тажриба-синов ишлари ва унинг таҳлили” деб номланган учинчи бобда касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш методикасини жорий этиш натижалари, тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши ва натижалари таҳлили баён этилган.

Тажриба-синов майдонларни сифатида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) ва мазкур университетнинг Қарши (ТАТУ Қарши) ҳамда Фарғона филиаллари (ТАТУ Фарғона), Бухоро давлат университети (БухДУ) танлаб олинди. Тажриба-синов майдонларни танлашда педагогик шарт-шароитларнинг мақбуллиги, моддий-техник ҳамда ахборот таъминоти ҳолатлари ўрганиб чиқилиб, уларнинг бир хиллигини инобатга олиниб танланди.

Олиб борилган тажриба-синов ишларида ТАТУдан 140 нафар, ТАТУ Қарши филиалидан 42 нафар, ТАТУ Фарғона филиалидан 43 нафар, Бухоро давлат университетидан 53 нафар жами 278 нафар талаба қатнашган.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди: таъкидловчи (2014-2016 ўқув йили), шакллантирувчи (2016-2018 ўқув йили), яқунловчи (2018-2019 ўқув йили) босқичлар.

Тажриба-синов ишининг таъкидловчи босқичида олий таълим муассасаларининг “5350400-Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” ва “5111000-Касб-таълими (йўналишлар бўйича)” таълим йўналишларининг малака талаблари мазмуни, ўқув фанлари дастури, умумқасбий ва ихтисослик фанларининг амалий ва лаборатория машғулоти учун мўлжалланган топшириқлар мазмуни, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, машғулотлар жараёнида фойдаланиладиган инновацион педагогик ва ахборот технологияларнинг ўқитиш жараёнида тутган ўрни ҳамда фойдаланиш даражаси, таълимни ахборотлаштириш жараёнида инновацион фаолиятга тайёрлаш тизими ҳолати ва уни такомиллаштириш зарурияти ўрганилди, талабалар ўқув фаолиятини педагогик кузатиш, анкета, суҳбат, тест саволлари, умумқасбий ва ихтисослик фанлар бўйича билим даражаларини таҳлил қилиш, назорат каби усуллардан фойдаланилди.


Тажриба-синов ишининг шакллантирувчи босқичида касб таълими талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлашга қаратилган ДТС асосида дарслик, ўқув қўлланма, методик тавсия ва ўқув услубий мажмуа, ўқув-

услугий таъминоти ҳамда педагогик тизими ишлаб чиқилди. Талабаларни инновацион фаолиятга тайёргарлик даражаларини баҳолаш мезонлари танланди. “Таълим технологиялари” фанидан ўқув қўлланма, “Тармоқли бумеранг” технологиясининг электрон ахборот тизими ишлаб чиқилди. “Касбий таълим методикаси” фанидан амалий машғулотлар методик кўрсатма, “Касбий психология” фанидан тест саволлари тўплами, “Касбий таълим методикаси” фанидан назорат ва тест саволлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган ўқув-услугий таъминот ва педагогик тизим модели ТАТУ, ТАТУ Қарши филиали, ТАТУ Фарғона филиали, Бухоро давлат университети “5350400-Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” ва “5111000-Касб таълими (йўналишлар бўйича)” таълим йўналиши ўқув жараёнига тадбиқ этилди. Талабаларни инновацион фаолиятга тайёргарлик даражасини баҳолаш учун топшириқлар тўплами ишлаб чиқилди.


Яқунловчи тажриба боскичида тажриба-синов ва назорат гуруҳларида ишлаб чиқилган талабаларининг инновацион фаолиятга тайёрлаш моделидан фойдаланишга оид методиканинг ҳамда ишлаб чиқилган ўқув-услугий таъминот самарадорлиги, ҳамда, талабаларни инновацион фаолиятга тайёргарлик даражаси бўйича ишлар олиб борилди.

Яқуний натижаларни амалдаги тадбиғини, яқуний натижаларни умумлаштирилиб, математик-статистик таҳлил қилинди ва расмийлаштирилди.


Қуйидаги расмларда тажриба-синов майдончаларида олиб борилган “5350400 - Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” ва “5111000 - Касб-таълими (йўналишлар бўйича)” таълим йўналишлари талабаларининг (тажриба ва назорат гуруҳлари) натижалари келтирилган.



3-расм. ТАТУ талабаларни инновацион фаолиятини шаклланганлиги даражалари



4-расм. ТАТУ Қарши филиали талабаларни инновацион фаолиятини шаклланганлиги даражаси



5-расм. ТАТУ Фарғона филиали талабаларни инновацион фаолиятини шаклланганлиги даражаси



6-расм. БухДУ талабаларни инновацион фаолиятини шаклланганлиги даражаси

Тажриба-синов ишлари натижасида олинган кўрсаткичлар мослиги ва фарқларининг ҳаққонийлигини текшириш учун Стъюдент-Фишер математик статистикасидан фойдаланилди. (2-жадвал).

2-жадвал.

Миқдорий мезонлар кўрсаткичлари

| № | Кўрсаткичлар | Тажриба-синов гуруҳи m=136 | Назорат гуруҳи n=142 |
|---|---|-------------------------------|----------------------|
| 1 | Статистик таҳлил | 1.64 | 1.85 |
| 2 | Ўртача квадратик хатолик | 0.51 | 0.56 |
| 3 | Стъюдент танламали мезони ($T_{x,y}$) | 2.4 ($2.4 > 1.96$) | |
| 4 | Кўрсаткичлар хулосаси | H_1 гипотеза қабул қилинади | |

Тажриба гуруҳларидаги талабалар билан инновацион фаолиятни шакллантиришга қаратилган методикасини қўллаш самарали натижа бериши тажриба-синов натижаларидан кўриниб турибди.

ХУЛОСА

1. Таълимни ахборотлаштиришнинг замонавий босқичида анъанавий ва электрон таълим (e-learning) нинг мукаммалашуви натижаси бўлган SMART education (ақлли таълим) технологиялари пайдо бўлиб, касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёни такомиллаштиради.

2. “5350400–Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” ва “5111000-Касб-таълими (йўналишлар бўйича)” таълим йўналишлари ўқув режасига киритилган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш мазмунини таҳлили шуни кўрсатдики, умумкасбий ва ихтисослик фанлари орқали эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва компетенциялар талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

3. Касб таълими йўналиши талабалари инновацион фаолиятини шакллантиришда инновацион-мослашув, инновацион-фойдаланувчи, инновацион-тадқиқот ва инновацион-лойихавий босқичлари ишлаб чиқилди. Бу эса таълимни белгиланган мақсади ва талабанинг билим даражасини аниқлашда инновацион-педагогик билимлар, инновацион-технологик кўникмалар ва инновацион-касбий компетенциялар фаолиятни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқишга асос бўлди.

4. Таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятини ривожлантиришни шакл, усул ва

воситаларини такомиллаштириш, таълим жараёнини инновацион ташкил эта олишда талабаларни билимини бойитиш ва инновацион қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган таълим технологияларидан SMART portfolio, SMART усул, Тармоқли бумеранг технологияларидан фойдаланиш методикаси яратилди. Ишлаб чиқилган тўрт босқич, усул, восита ва шакли касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлаш моделида ўз ифодасини топган.

5. Таълимни ахборотлаштириш шароитида касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятини ривожланишига қаратилган методикаси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, ТАТУ Қарши филиали, ТАТУ Фарғона филиали ва БухДУларда тажриба–синовдан ўтказилди. Тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик усуллар ёрдамида қайта ишлаш асосида тадқиқотда сурилган ғояларнинг мақсадга мувофиқ қўйилганлиги асосланди ва экспериментал гуруҳ талабаларни инновацион фаолиятини назорат гуруҳи талабаларга нисбатан 12 % фоизга юқорилиги исботланди.

Олий таълим муассасаси ахборотлаштириш шароитида талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлаш мақсадида амалга оширилган экспериментал тадқиқотлар олиб бориш натижасида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди

1. Касб таълими йўналиши талабаларини инновацион фаолиятини ривожлантиришга қаратилган методикасини педагогика олий таълим муассасаларига тадбиқ этиш тавсия этилади.

2. SMART усули, SMART портфолио ва “Тармоқли бумеранг” технологиясини тадбиқ этиш бўйича методик ишланмаларни олий таълим муассасалари ўқув жараёнига жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019. Ped 48.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИННОВАЦИЙ, ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИИ
КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**ИНСТИТУТ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИННОВАЦИЙ, ПЕРЕПОДГОТОВКИ
И ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ И
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ**

ЗАРИПОВА ДИЛНОЗА АНВАРОВНА

**СОВЕРШЕСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ
НАПРАВЛЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ К
ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УСЛОВИЯХ
ИНФОРМАТИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ**

13.00.05 – Теория и методика профессионального образования

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам

Ташкент – 2020 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В2019.1.PhD/Ped856.

Диссертация выполнена в Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования.

Автореферат диссертации выполнен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.iipro.uz) и информационном образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Закирова Феруза Махмудовна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Уразова Марина Батировна
доктор педагогических наук, доцент

Туракулов Олим Холбутаевич
доктор педагогических наук, доцент

Ведущая организация:

Государственный университет Самарканд

Защита диссертации состоится «30» 11 2020 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 при Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования. (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17; E-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz, devonxona@iipro.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (зарегистрирована за № 27). Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17.

Автореферат диссертации разослан «18» ноябрь 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 8 от 18 ноября 2020 года).



Ш.Э. Курбонов
Председатель Научного
совета по присуждению учёных
степеней, д.п.н., профессор

С.Ю. Ашурова
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению учёных
степеней, к.п.н., профессор

К.Т. Олимов
Председатель Научного
семинара при Научном совете
по присуждению учёных
степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В глобальном масштабе человечество вступило в универсальный исторический процесс, называемый глобализацией и информатизацией. Проникновение информационных технологий в области науки, образования, производства открывает для каждого гражданина широкий спектр информационных ресурсов и требует высокого уровня обслуживания для них. Внедрение цифровых технологий в систему образования было признано ЮНЕСКО созданием новой среды для общения.¹ В данном процессе от преподавателя требуется не только работать с цифровыми технологиями, но и овладеть навыками «Simple abilities» - информационный поиск и целостное восприятие информации, позитивная и критическая оценка сути информации, совместная работа и творческое, логическое мышление. Процессы, связанные с информатизацией общества, не только ускорили интеллектуальное развитие науки, всех видов человеческой деятельности, но и создали новые источники информации, развивающие творческий потенциал человека. Одним из ведущих направлений современного процесса информатизации является информатизация образования.

В процессе информатизации образования в мире актуальными задачами модернизации системы высшего образования в сфере педагогики являются ориентация педагогов профессионального образования на инновационную деятельность, внедрение инновационных образовательных и информационно-коммуникационных технологий в образовательный процесс в высших образовательных учреждениях, усвоение и целенаправленная ориентация передового зарубежного опыта. Это, в свою очередь, требует совершенствования содержания учебно-методической деятельности студентов в сфере профессионального образования в высших образовательных учреждениях, повсеместного внедрения на практике инновационных форм и методов обучения, современных информационных и коммуникационных технологий. Также, важно стимулировать инновационную деятельность, создавать эффективные механизмы внедрения научных и инновационных достижений, создавать научные и экспериментальные лаборатории, центры высоких технологий и технопарки при высших образовательных учреждениях.

В нашей стране особое внимание уделяется информатизации учебного процесса в высших образовательных учреждениях, ориентации студентов на инновационную деятельность. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы особое внимание уделяется «... дальнейшему совершенствованию системы непрерывного образования, повышению потенциала качественных образовательных услуг, продолжению политики подготовки высококвалифицированных кадров в

¹ Ministerial forum global dialogue on ict and education innovation – towards sustainable development goal for education (sdg 4) proceedings. 18–19 april 2018 • Moscow • Russian federation. <http://ru.ite.unesco.org/publications>.

соответствии с современными потребностями рынка труда».² При выполнении этих задач многие важные аспекты, в том числе, аспекты подготовки педагогов профессионального образования, связанные с улучшением педагогических условий для подготовки педагогов профессионального образования к инновационной деятельности, ориентированностью на инновационную деятельность в соответствии с уровнем развития общества, подготовкой специалистов для инновационного производства, остаются нерешенными. Основой профессионально-педагогической подготовки специалистов в области инновационного производства является подготовка в соответствии с психологическими, педагогическими и производственными технологиями отрасли, на которые действуют законы инновационного производства и общества. Актуальными остаются проблемы разработки механизмов, инструментов и технологий подготовки преподавателей к инновационной деятельности. В свою очередь, это означает необходимость научного понимания сути профессионально-педагогической подготовки специалистов в сфере инновационной деятельности.

Упомянутые выше случаи демонстрируют актуальность проблемы разработки усовершенствованной методической системы профессионального образования с учетом готовности студентов к инновационной деятельности как нового критерия профессионально-педагогической компетентности в условиях информатизации высшего образования.

